

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаб олиш юзасидан жойлаштирилган 27.10.2022 йилги №22110012171489 лот рақамли эълон натижаси бўйича

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ №71489/2022

Қарши тумани

9 ноябрь 2022 йил

Бир томондан Қарши тумани “SAMARA BETAKROR” МСНҲ (кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади), ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Қ. Исмоилов номидан ва иккинчи томондан Қарши Муҳандислик иктисодиёт институти (кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади) ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари О.Ш. Базаров номидан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Сотувчи ўзига тегишли товар (махсулот)ни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товарни қабул қилиш ва шартноманинг қуйидаги **Спецификациясида** кўрсатилган товар (махсулот) лар ҳақини ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Т/Р	Мебел жихозлари номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма	ҚҚС		ЖАМИ СУММА
						%	сумма	
1	Набор мебели для кабинета руководителя. (1.Стол рабочи офисной (1800*900*780) 2. Стол приставной (1200*700*740) 3. Стол под телефон (1000*500*650) 4. Тумба 3х раздвижной ящиком (1500*60*75) 5.Шкаф для одежда (2000*900*450) 6.Шкаф книжный стеклянный 4 шт (2000*900*76) 7.Стол заседания (2000*900*76))	Комплект	4	11478262	45913048	15	6886952,00	52800000,00

2	Набор мебели для кабинета руководителя ГРАНД (1.Стол рабочи офисной (1950*900*760) 2. Стол приставной (1700*700*750) 3. Стол под телефон (1200*500*760) 4.Шкаф стенка (2100*4300*450) 5. Стол заседания (20000*1100*760) 6. стул мяхкий 10 шт 7. кресло офисной 1 шт 8. Диван крело с журнальный столиком 1 комплект)	Комплект	1	60000000	60000000	15	9000000,00	69000000,00
3	Набор мебели для кабинета руководителя (Офисной набор радуга 1. Стол "Г" образный для офиса 2 шт (1800*1600*900) 2.Шкаф комбинированный (1300*1600*450) 2 шт 3. Трюмо (1300*450*1700))	Комплект	1	7826087	7826087	15	1173913,00	9000000,00
4	Шкафы для книжный для документов (1800*800*400)	Дона	10	869566	8695660	15	1304340,00	10000000,00
5	Шкаф комбинированный (1800*1200*450)	Дона	30	1847826	55434780	15	8315220,00	63750000,00
6	Шкаф для документов (купе) (2000*1900*500)	Дона	3	4347826	13043478	15	1956522,00	15000000,00
7	Стол для компьютера (1200*600*750)	Дона	118	1000000	118000000	15	17700000,00	135700000,00
8	Стол для компьютера с ящиком (1300*700*760)	Дона	80	1491304	119304320	15	17895680,00	137200000,00
9	Парта (1 Стол ученикеский аудиторный 2 шт стульник (1300*600*760))	Комплект	231	1086956,6	251086975	15	37663025,40	288750000,00
	ЖАМИ				679304349		101 895 652	781 200 000

Жами: 781 200 000 (етти юз саксон бир миллион икки юз минг) сўм

2. Товар (Маҳсулот)ни етказиб бериш муддати ва тартиби

2.1. Товар (маҳсулот) ни етказиб бериш муддати: **9 декабрь 2022 йилгача**

2.2. Товар (маҳсулот) ни етказиб бериш муддати хар бир маълум тўплам бўйича келишилади.

- 2.3. Товар (маҳсулот)ни сотувчи ўз транспортларида етказиб беради.
- 2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан амалга оширилади.
- 2.5. Етказиб бериш санаси бўлиб, товарни сотиб олувчи омборига келиб тушиш санаси ҳисобланади.

3. Тўлов тартиби

- 3.1. Ушбу шартнома умумий суммаси 781 200 000 (етти юз саксон бир миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади. Шундан ҚҚС: 101 895 652 (бир юз бир миллион саккиз юз тўқсон беш минг олти юз эллик икки) сўмни ташкил қилади.
- 3.2. Сотиб олинadиган товар (маҳсулот) учун шартнома тулов графиги буйича тақсимланган ойлик сумманинг **30%** миқдори, ёки **234,360,000.00 (икки юз ўттиз тўрт миллион уч юз олтмиш минг) сўм** олдиндан тулов шаклида амалга оширилади. Товар (маҳсулот) хакининг қолган қисми (**70%**) Сотувчи томонидан товар (иш, хизмат)лар тулик етказиб берилиб, ҳисоб фактуралар тақдим этилгандан сунг тегишли тартибда тулаб берилади.
- 3.3. Тўлов шакли ҳисоб-китоби нақд пулсиз, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4. Товар (Маҳсулот)нинг сифати

- 4.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 4.2. Сотувчи тўпламда яроқсиз маҳсулот мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб **2 кун** ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
- 4.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 4.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан қафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган ҳолда **2 кун** ичида яроқсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот) ларга алмаштириб бериши керак.

5. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

- 5.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.
- 5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 7.1. Мазкур шартнома тарафлар имзолаб ўз муҳрлари билан тасдиқлаб тегишли тартибда Газначилик томонидан рўйхатдан утказилгандан сўнг қонуний кучга киради. **Шартнома 9 ноябрь 2022 йилдан 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.**
- 7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 7.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

8. Форс-Мажор ҳолатлари

8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар оқибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб ҳисобланмайди.

8.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ва уларнинг таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

8.3. Форс-мажор ҳолатларини важ қилиб келтираётган тараф уларнинг тасдиғи сифатида ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

8.4. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

8.4.1. Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар;

8.4.2. Янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари;

9. Низоларни ҳал қилиш

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни, ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иқтисодий суд тартибида ҳал қилинади

9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса тегишли тартибда Иқтисодий судларда ҳал қилинади.

10. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала Тарафлар орқали имзоланиши керак.

11. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

Сотувчи: Қарши тумани “SAMARA BETAKROR” МСНҲ

Манзили: Қарши т, Ровот МФЙ, С.Насафий кўчаси. Х/Р: 20208000004693554001.

СТИР: 300787405.

БАНК: ҚАРШИ ТУМАН "АГРОБАНК" АТБ
ҚАРШИ ФИЛИАЛИ МФО: 00172.

Таъсисчи: Исмоилов Қувондиқ

Таъсисчи СТИРи: 433 381 424.

Телефон: +99890 722 27 72

РАХБАР

Қ. Исмоилов

SAMARA
BETAKROR
M.Ch.J.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мос келади

Хуқуқшунос:

(имзо)

Харидор: Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт институти

Манзили: *Қарши ш. Мустақиллик кўча 225*

ШХР: 400910860104017094100079002

МФО: 00014. ОКОНХ: _____

СТИР: 200666914.

БАНК: Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ

Уз. Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги

Х/Р: 23402000300100001010. МФО: 00014.

БАНК: Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ

СТИР: 201122919.

РАХБАР:

О.Ш. Базаров

М.У.

(хуқуқшунос ФИО)



180108, Qarshi shahar, Нурбор ko'chasi, 230^A-uy 7-xona. Tel.: + (99897)312 63 63

09 ноябрь 2022 йил

Қарши муҳандислик иқтисодиёт
институти билан “Самара Бетакрор” МЧЖ
ўртасидаги 2022 йил 09 ноябрь кунги
мебел жихозлари етказиб бериш хақидаги
№71489/2022-сонли шартнома юзасидан

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен М.Холмирзаев Қарши шаҳар “Насаф хуқук маслахатчиси” адвокатлар хайъатида № KS000040-сонли лицензия асосида фаолият кўрсатаман.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан “Самара Бетакрор” МЧЖ ўртасидаги 2022 йил 09 ноябрь кунги мебел жихозлари етказиб бериш хақидаги №71489/2022-сонли шартномаси билан танишиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Ушбу шартнома бўйича сотувчиги “Самара Бетакрор” МЧЖ буюртмачи Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг спецификацияда кўрсатилган мебел жихозлари буюртмасига мувофиқ етказиб беришга буюртмачи мебел жихозларини қабул қилиши ва тўловни амалга ошириши назарда тутилган. Шартнома қиймати 781.200.000. сўмни ташкил қилади.


Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “бажарувчи”дан спецификация асосида бажарилган ишларни қабул қилиб олишга ва тўловларни амалга оширишга келишилган бўлиб, шартнома шартлари, жумладан, мажбуриятларни бажариш тартиби ва муддатлари, тўлов муддатлари, жавобгарлик масалалари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, низоларни ҳал қилиш тартиби, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ва бошқа шартлар Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекс, Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун нормалари талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353,357 ва 386 моддаларига асосланиб

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

“Харидор” Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан “Сотувчи” “Самара Бетакрор” МЧЖ ўртасидаги 2022 йил 09 ноябрь кунги мебел жихозлари етказиб бериш хақидаги №71489/2022-сонли шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига мос равишда тузилган деб ҳисоблайман.

Қарши шаҳар “Насаф хуқук маслахатчиси”
адвокатлар хайъати адвокати:



М.Холмирзаев.